

# ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

2022 й. «16» 6

2022-252-6-89-МТ-сон

Чуст шаҳри

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи Чуст туман Мактабгача таълим бўлими номидан бўлим мудир **Б.Сотимов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Пудратчи” деб юритилувчи **"LIMPID DALE" МЧЖ** номидан раҳбари **М.Орипов**лар мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздик:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг балансида булган **32-сонли МТТ Биноларини жорий таъмирлаш ишларини 2022 йил 1 сентябргача** бажариб бериш учун тузилди.

1.2. Мазкур шартномада қайд этилган баҳолар “Буюртмачи”нинг смета ҳужжатларига асосан 2022 йил бозор нархларида, ҚҚС қўлланган ҳолда амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” тақдим этилган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиб олиб, уни ўрганиб чиқиб шу асосда иш олиб боради.

“Пудратчи” лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиб аниқланган камчиликлар юзасидан “Буюртмачи”га хабар беради.

Лойиҳа смета ҳужжатларида ва бажарилган ишлар далолатномасидаги лимитланган ва бошқа харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган Ф-05 асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

Ушбу шартнома шартлари асосида бажарилган муҳандислик тизимлари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши ёки таъмирланиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 24 ой этиб белгиланади.

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида бажарувчи томонидан бартараф этишни таъминлайди.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси ва нуқсон далолатномаси бўйича бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилади.

Бажарилган ишлар ва олдиндан тўловлар учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни ўз вақтида таъминлайди.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан бирга 120 000 000 (бир юз йигирма миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Қурилиш материалларини транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни “Пудратчи” кўтаради.

3.3. “Буюртмачи” бажарилиши лозим бўлган ишларни суммасининг 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Бажарилган ишлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

3.4. Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампидан кўрсатилган сана бажарилган ишга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи”нинг розилиги билан қурилиш-монтаж ишлари олдин бажарилиши мумкин. бажарилган ва “Буюртмачи” томонидан қабул қилинган ишлар учун кейинги даврларда бажарилиши керак бўлган ишлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатнома белгиланган тартибда тузилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Бажариладиган ишлар сифати, миқдори “Пудратчи” томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Пудратчи” бажарилган ишларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Буюртмачи”га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

5.3. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон бажарилган, сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

5.4. Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари бажарилиши керак бўлган хизматнинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Пудратчи” “Буюртмачи”га қурилиш-монтаж ишларининг бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни ва жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Пудратчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат килишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома ҳар икки томон тасдиқлаб, Ғазначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади. Томонларни мажбуриятларини сўнги бажариш муддати **2022 йил 31 декабрга** қадар этиб белгиланади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”

“LIMPID DALE” МЧЖ

Манзил: Чуст тумани, Чуст,  
Яккабулок МФЙ, Машъал 43 уй  
Тел./факс: +99890-008-08-19

х/р: 2020 8000 9050 7223 8001

Банк номи: Наманган Трансбанк

МФО 01060 СТИР: 306393457

ОКОНХ.

Рахбар:

М.Орипов

“Буюртмачи”

Чуст туман Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Чуст шаҳри, Чароғон кўчаси, 9-уй

Ш.х.в 100022860142377091100251001

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри  
Б.Б КХКМ

МФО 00014, ОКОНХ 92400

СТИР: 305151766

Молия вазирлиги ғазначилиги

х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри Б.Б КХКМ

СТИР 201122919 МФО 00014

Рахбар:

Б.Сотимов

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ IN00445718

1. Loyihaning turi. Shartnoma.
2. Loyihaning nomi:  
Qurilish pudrati shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.  
Shartnoma loyihasi Chust tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 15-iyun kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik texnikasi va qoidalariga, qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, loyihada korrupsiyaga sabab bo'luvchi omillar mavjud emas va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



S.Xojayev

2022-yil 16-iyun